



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 9 октябрь, № 209 (7167) • Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8 октябрь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Париж, 8 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Абу Бакр УРОЗОВ хабар қилади.

Икки давлат байроқлари билан безатилган "Орли" халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Франция Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашди.

Президентимиз Франция Республикасида ташриф ЮНЕСКОда учрашувдан бошланганида чуқур раъий маъно борлигини, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Одри Азуле давлатимиз раҳбарини ташриф билан самимий кутлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик ривожига ушбу учрашув гоят муҳимлигини қайд этди.

Мамлакатимиз ЮНЕСКО Ижроия кенгаши таркибига икки марта сайланган. Томирлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларидаги тарихий-маданий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бухоро шаҳри таш-

килотнинг "Тинчлик тарафдори бўлган шаҳарлар" соҳибини билан тақдирланган.

Хивадаги "Ичан қалъа" мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабзнинг тарихий марказлари, Чотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бойсун маданий меросини, Наврўз, Шашмақом, Катта ашула, аския, ош, атлас ва адрас ишлаб чиқариш технологиялари ташкилотнинг Инсоният номидий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олган. Усон Курьони ва Шарқшунослик институти кўлемлар билан тўплами ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги ўзбек умумтаълим муносибати асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинаётган бўлса, жорий йил сентябрь ойида Шахрисабзда илк бор Халқаро мақом санъати анжумани ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО хузуридаги доимий ваколатхонаси тасвис этилди.

Таълим соҳасида ҳам истиқболли ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон "Жаҳолатга қарши маърифат" гояси асосида жисмоний ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил сентябрь ойида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улугбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университетини хузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари буйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанд "Ипак йўли" туризм халқаро университетини таълим соҳасида ҳам жадал ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. 2018 йилда Тошкентда "Ахборот технологиялари маданий меросини асраш хизматида" мавзuida Осие форумини ўтказиш борасида келишув эришилди.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросни ас-

раб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муносабатларини янги босқичга кўтариш, томонлар олдида турган вазифаларни биргаликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишда ўзаро ҳамкорлини мустаҳкамлашга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдириди. Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентлараро муносабатлар соҳасида ҳам жадал ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан

парламентларо ҳамкорлик гуруҳи тузилган, 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Франция" дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (омбудсман) ва Франция инсон ҳуқуқлари химоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

Франция билан кенг кўламли муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама амалий алоқаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва ҳудудлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламентларо алоқаларни аниқ йўналишлар буйича, жумладан, қўшма тадбирлар ва ўзаро ташрифларни мунтазам ташкил этиш, тахриба алмаштириш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Франция Сенати Раиси мамлакатимизда иқтисодий модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохот ва янгиланишларни юксак баҳолади. Ўзбекистон яхши кўшилиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узок муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлик, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик ришталари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустаҳкамлаш йўлида парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати раисини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Унда "Тоталь", "Тоталь Эрен", "Орано", "Фивс Штейн", "Ранжис Семмарис", "Винчи", "Суэц", "Сад", "Идемия", "Мерсие", "Талес Аления Спейс", Европа тиклаши ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва химоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташқи савдо ва боғжона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Хорижий инвестициялар буйича кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган, унинг вазифаси инвесторлар фикрини инобатга олиш ҳолда, Ўзбекистон инвестиция муҳитини изчил яхшилаб бориш буйича қарор қабул қилишга хизмат қилиши таъкидланди.

Франция Сенати Раиси мамлакатимизда иқтисодий модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохот ва янгиланишларни юксак баҳолади. Ўзбекистон яхши кўшилиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узок муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлик, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик ришталари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустаҳкамлаш йўлида парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати раисини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Унда "Тоталь", "Тоталь Эрен", "Орано", "Фивс Штейн", "Ранжис Семмарис", "Винчи", "Суэц", "Сад", "Идемия", "Мерсие", "Талес Аления Спейс", Европа тиклаши ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва химоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташқи савдо ва боғжона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилгани таъкидланди.

## Иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш йўлида

2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо айланмаси 146,2 миллион долларни ташкил қилди. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифидан сўнг ушбу кўрсаткичлар бир неча баробар ортishi мумкин. Бунинг учун томонларда ҳамфикрлик, интилиш ва улкан салоҳият мавжуд.

Маълумки, Франция Европа иттифоқи иқтисодий-иқтисодий да етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва дунёдаги энг машҳур сайёҳлик манзил қилиб қилинади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатда аҳолини ижтимоий химоялашнинг энг юқори даражаси таъминланган. Шу маънода, иқтисодий эркинлаштириш, диверсификация ва модернизация қилиш, туризмин ривожлантириш, чет эл инвестициялари ҳамда илғор технологияларини жалб этиш, шунингдек, ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш буйича кенг кўламли иқтисодий ислохотлар олиб бораётган Ўзбекистон учун бундай кудратли давлат билан ҳамкорлик бугун долзарб аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, Марказий Осиеннинг юрагидаги Ўзбекистон географик жойлашуви, инвестициявий ва логистик салоҳияти, ички бозор ҳажми билан тобора кўпроқ хорижий ҳамкорларни ўзига жалб қилиб, халқаро савдо ва туризмнинг муҳим марказига айланмоқда.

Икки мамлакатнинг сарможий ва технология имкониятларини инобатга олган ҳолда, айтиш мумкинки, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ва тўқимачилик санаяти, фармацевтика, автомобилсозлик ва машинасозлик, ёқилғи-энергетика комплекси, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари саналади.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-сотиқда энг қулай шартлар амал қилмоқда. Республикаимиз ўз экспорт салоҳиятини кучайтириб, унинг географиясини кенгайтириб бораётганини ҳозирги пайтда мазкур савдо қулайликлари ўзбек маҳсулотларининг "кўна қитъа" бозорларига кириб боришини тезлаштириши, шубҳасиз, Жорий йилнинг биринчи ярмида товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 12 фоиз ўсгани ҳам шундан далолат.

Экспорт таркибини диверсификация қилиш, икки мамлакат ишбилармон доиралари манфаатларини ва интилишларини мувофиқлаштириш мақсадида шу йил июль ойида Парижда Ўзбекистон савдо уйи очилди. Унинг асосий вазифаси маҳаллий корхоналаримизнинг юқори сифатли рақобатдош маҳсулотлари мажмуини Францияга тўғридан-тўғри етказишни ташкил этишдан иборат.

Ўзбекистон ва Франциянинг иқтисодий алоқалари ҳуқуқматларо даражада Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик буйича ўзбек — француз комиссия-

си доирасидаги фаол ҳаракатлар билан ҳам мустаҳкамланмоқда. Мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, келгусидаги ишлар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишда самарали восита сифатида у томонлар белгилаб олган мақсадларга эришиш учун хизмат қилипти.

Кооперация алоқалари Ўзбекистон бизнес тузилмалари ҳамда 800 мингдан зиёд йирик, ўрта ва кичик корхоналарни ўртада бирлаштирган "MEDEF International" Франция тадбиркорлари ҳаракати ўртасида ҳам йўлга қўйилди. Икки давлат ишбилармон доиралари иштирокидаги форумлар мунтазам ўтказилаётир. Учрашувлар ва бизнес ташрифлар алмашинувининг изчиллик касб этгани ҳам ўзаро қизиқининг тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда француз инвесторлари иштирокидаги корхоналар у қадар кўп эмас — 2 та 100 физик хорижий капитал асосида ташкил қилинган корхонани ҳам қўшганда — 16 та. Бироқ уларнинг барчаси кўп йиллардан буён мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим секторларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Масалан, "Sanofi" француз компанияси республикада 20 йиллик иш тажрибасига эга. Утган давр мобайнида у ишончли ҳамкор сифатида танилди. Компаниянинг дори воситалари анча машҳур ва ўзбек шифокорлари ҳамда беморларнинг эътирофига сазовор бўлган.

2011 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази "IDEMIA" (аввалги "Oberthur Technologies") компанияси билан республикада биометрик паспорт тизимини жорий этиш буйича биргаликда ишламоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида республика фуқаролари учун биометрик паспортлар тайёрланяпти.

Мамлакатимизга замонавий фуқаро авиацияси лайнерларини етказиб берувчи энг муҳим компаниялардан бири, жаҳон авиасаноатининг етакчиларидан саналган "Airbus" билан ҳамкорлик муваффақиятли алоқаларнинг яна бир намунаси бўла олади. Бугунги кунга келиб, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК авиапаркидаги "Airbus A320-200" самолётлари сони 10 тага етди.

Ушбу мисоллар, албатта, катта ишонч уйғотади. Юртимизда самарали ва туб ислохотлар амалга оширилар экан, бу каби қўшма лойиҳалар мос равишда кўпайиб боришига умид бағишлайди.

Ў.А.

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи давом этмоқда.



### Нигоҳ

## «УМИД ЭПКИНЛАРИ» ЎЗБЕКИСТОНДАН ЭСМОҚДА

Хорижий ОАВ, таникли сиёсатшунослар, экспертлар Президентимиз ташаббусларини глобал миқёсдаги ижобий жараён сифатида кўрсатмоқда.

"Куз — йилнинг сўнги, энг гўзал табассуми". Бу таърифни бундан икки аср муқаддам ижод қилган иқтидорли журналист, "New York Post" газетаси муҳаррири Уильям Каллен Брайант берган эди. Дарҳақиқат, айни шу паллада саҳий фасл бекиёс даражада гўзал қиёфа касб этади. Балки шунинг учун ҳам кузни олтин фасл, дея таърифлашар.

Ўзбекистонда куз "барака" сўзи билан туташган. Унинг турли бетакор манзаралари минг бир рангда жилланади. Дарахларнинг турфа либослари, меваю сабзавотлар гарк пишиб, дастурхонимизда товланиши, об-ҳавонинг инжиқлик билан тез-тез ўзгариб, гоҳ иссиқ, гоҳ салқин, баъзан шаророс ёғиб қоладиган ёмғирлар саси ҳам ўзига хос завку шавқ уйғотди қилишди. Диримиз узра эсаётган куз шабадаси-чи? У майин ва жудам ёқилми. Мана шу хайрли шабада бугун жаноб Брайант яша-

ган жойгача, аникроги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қароргоҳи жойлашган Манхэттендаги осмонлар биногача етиб борди. БМТ Бош Ассамблеясида Антониу Гутерриш инсоният олдида турган глобал муаммолар ҳақида фикр юритар экан, бутун дунё бўйлаб "умид эпкинлари" кезиб юрганини айтиди. Бош котиб таъкидлашча, бунга ижобий мисоллардан бири — бизнинг юртимиз. "Ўзбекистондаги тинч сиёсий ҳокимият алмашинувидан сўнг Марказий Осиё

мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик кучайганига шаҳсан гувоҳ бўлдим", деди А. Гутерриш. БМТ Бош котиби нутқининг моҳиятига эътибор берсак, юқоридаги иқтибоснинг аҳамияти янада яққолроқ ойдинлашади. Антониу Гутерриш бугунги дунёга "ишонч етишмовчилиги синдроми", деган таъхисни қўйди. Бунда иқлим ўзгаришининг асоратлари ҳамда замонавий технологиялардаги яширин хавф-хатарларга алоҳида эътибор қаратди. "Тоби қочган" жаҳон учун зарур бўлган муолажа мазмунига ҳам тўхталиб ўтди — бу ишончнинг ва кўп томонлама тартибни тиклашдир. "Қўшилларда хавфини кўрувчилар ўзлари билмаган ҳолда ўша хавфини тўғдирадлар", дея қўшимча қилди Гутерриш.



## Энди ҳеч бир сайловчи рўйхатдан тушиб қолмайди



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чеқди. Бу ҳужжат сайлов тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишни таъминлаш, шунингдек, сайлов жараёнларини бошқаришда

ахборот тизимидан унумли фойдаланиш каби мақсадларни қамраб олганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, барчамиз, ким бўлишимиздан, қайси муассасада ўқиб ёки ишлашимиздан қатъи назар, сайловчиларимиз. Сайлов — ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи.



# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:



## Иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш йўлида

1 → Айни дамда кенг миқёсдаги янгилашлар жараёнида Франция Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган молиявий ва техник кўмакни қайта эътиборга оlish. 2016 йил 8 декабрда имзоланган келишув асосида таъсис этилиб, фаолият бошлаган Франция ривожланиш агентлиги (ФРА) мазкур йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракатларга хизмат қилмоқда.

ФРА билан ҳамкорликда "яшил ва инклюзив ўсиш" ни таъминлаш, айниқса, шаҳар ва қишлоқ жойларини тараққий эттириш, қишлоқ хўжалиги ҳамда барқарор энергетикани ривожлантиришга қаратилган истиқболли ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни рўйбга қилиш режалаштирилган. "Самар-

қанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш" лойиҳаси олиб бориляпти.

Ўзбекистон ва Франция сайёҳлик соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам катта салоҳиятга эга. Ҳозирнинг ўзидаёқ юрти- мизга Европандан ташрифт буюраётган сайёҳлар орасида француз фуқаролари биринчи ўринга чиққани эътиборга молик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4 октябрдаги тегишли Фармонида мувофиқ, Франция Республикаси фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш тартиби жорий этилди. Бунинг натижасида эса Европанинг мазкур мамлакатидан келаётган сайёҳлар сонини режалаштиришга катта туртки бўлажак.

Ишонч билан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ҳамда Франция ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда ривожлантириш учун пухта ҳуқуқий ва амалий асос мавжуд. Гарчанд савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги даражаси томонларнинг салоҳияти ва интилишларини тўлиқ намоён қила олмасда, кутилаётган ўзбек — француз саммити, шубҳасиз, икки мамлакатнинг бизнес алоқаларини кучайтиришга катта туртки бўлажак.

Наргис САИДАЛИЕВА, «Дунё» АА.

## «Дунё учун очиқлик сиёсатини танлаган мамлакат»

Бугун Ўзбекистонга инвестиция киритаётган давлатлар жуғрофияси тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, Францияни ҳам мисол қилиб келтиришга асосларимиз етарли. Мамлакатимиз ва Франция ўртасидаги ҳамкорлик савдо-иқтисодий алоқаларда фаол.

Сўнгги йилларда франциялик ишбилармонлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар сони янада ошди. Сабаби оддий: юрти- мизда хорижий инвесторларни жалб этиш ва мавжудларни реконструкция қилиш сингари йўналишлардаги қўшма лойиҳалар соҳада катта истиқболга эга.

Ишонч билан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ҳамда Франция ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда ривожлантириш учун пухта ҳуқуқий ва амалий асос мавжуд. Гарчанд савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги даражаси томонларнинг салоҳияти ва интилишларини тўлиқ намоён қила олмасда, кутилаётган ўзбек — француз саммити, шубҳасиз, икки мамлакатнинг бизнес алоқаларини кучайтиришга катта туртки бўлажак.

Николяс ВАН БЕК, хорижий сармоядор (Франция):

— Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётган мамлакатдир. Давлат эса сармоядорларга у, ҳоҳ ер, ҳоҳ ҳуқуқий масалалар ва ёхуд банк кредитлари йўналишларида бўлсин, ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда. Мен бу ерда бизнес ривожини учун ҳеч қандай тўсиқ кўрмайман. Аксинча, бугун мамлакат дунё учун очиқлик сиёсатини танлаган, бу эса истиқболда янги бозорлар ҳам пайдо бўлади, деганидир. Муҳими, бундай амалий мулоқот давом этмоқда. Давлат ҳам, ҳукумат ҳам, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар ҳам ташаббус ва ҳаракатларимизни мудом қўллаб-қувватлашмоқда.

Яна шуни айтмоқчи эдимки, қаерда самарали ислотлар давом этаркан, уша ерда натижа ҳам шунга яра-

дан ҳам, айнан ушбу мамлакатда, аниқроғи, Ницца шаҳридан 30 чақирим бериюқда жаҳоннинг чинакам парфюмерия «пойтахти» қад ростлаган. Уни Грасс дейдилар. Шаҳарча ва унинг атрофида дунёга машҳур француз атирларига ишлатиладиган асосий унсур — хушбўй майлар тайёрланади. Қолаверса, парфюмерия саноати учун мутахассислар тайёрлайдиган дунёдаги ягона олий ўқув юрти ҳам Версаль шаҳрида жойлашган. Бундай қизиқарли фактларга таянган бўлсак, француз мутахассислари айнан Ўзбекистонни шерик сифатида танлагани ҳам бежиз эмас, албатта.

LABS» корхонасини келтирмоқчимиз. Парфюмерия саноатига ихтисослаштирилган ушбу корхона бир йил аввал ташкил этилганига қарамай, ишлаб чиқариш қувватининг натижалари чакки эмас. Умумий қиймати 1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳа асосида турли парфюмерия ҳамда косметика маҳсулотлари махсус қадқолларда талабгорларга етказиб берилляпти.

Маълумки, Францияни хушбўй ифорлар юрти ҳам дейишадир. Чин-

ша бўлади. Ўзбекистонда эса бозор талабига кўра, малялаки мутахассисларни тайёрлаш тизими яхши йўлга қўйилган. Ўз ўрнида биз ҳам ходимлар малакасини ошириш учун Франциядан етук экспертларни жалб этишга тайёримиз. Биргаликда инновацион лойиҳаларни жорий қилиш йўлидаги сазй-ҳаракатларимиз натижасида бозорни сифатли ва арзон косметик воситалар билан таъминлаймиз, деган умиддамиз.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон заминидидаги хом ашё ҳамда французларнинг малака ва тажрибасининг ўзаро уйғунлашуви келгусида бозорларимизга янада кўпроқ, сифатли маҳсулотларни олиб киришига шубҳа йўқ. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд.

Бўш прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

## Такдимот КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЛОЙИҲА

Парижда «Маданий мерос — Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги кўприк сифатида» мавзуда медиа-тадбир ўтказилди.

Унда ЮНЕСКОнинг маданият бўйича бош директори ўринбосари Эрнесто Ренато Оттоне Рамирес, кенг жамоатчилик, Ўзбекистон делегацияси вакиллари иштирок этди.

Мазкур анжуман қатор тадбирларни қамраб олди. «Ўзбекистон маданий мероси Франция тўпламларида» тақдимоти, илмий-маданий форум, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, муҳофаза қилиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг кенгаш йиғилиши, «Ўзбекистон, сенга мафтун бўлдим» байрам кечаси шулар жумласидандир.

Медиа-тадбир доирасида иштирокчилар Лувр ва Гиме музейлари, Франция миллий кутубхонаси, Шарқшунослик институти, Шарқ тиллари ва тараққиёти миллий институти (Inalco)га ташриф буюришди. Дунёга машҳур мазкур даргоҳларга «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» китоб-альбоми туркумлари тақдим этилди ҳамда нашлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Айтиш жоизки, «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси кўп қиррали бўлиб, унинг доирасида нафақат мамлакатимизнинг бой маданий меросига бағишланган китоб-альбомлар чиқарилмоқда, балки ҳужжатли фильмлар ҳам суратга олинаётди. Ҳозиргача 15 та музей ҳақида 20 дан ортиқ фильмлар яратилгани бунинг тасдиғидир.

Анжуман давомида ЮНЕСКОнинг маданият бўйича бош директори ўринбосари Эрнесто Ренато Оттоне Рамирес ўз фикрларини билдириб ўтди.

«Бугунги кунда Ўзбекистоннинг маданий мерослари нафақат ўз худудида, балки АҚШ, Европа давлатларининг асосий музейларида сақланмоқда, — деди у. — Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳамда тадқиқотлар соҳага нисбатан жиҳдий муносабатдан дарак беради. Бу эса бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўла олади. Тадқиқот — бу нафақат академик билим, балки янги авлод учун мазкур билимларни етказишнинг энг унгули усулидир. Бу фараз ЮНЕСКО Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётганидан мамнун».

С. ҚОСИМЖОНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ФАҲРИЙ ФУҚАРОСИ УНВОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасида 8 октябрь куни Франциядаги Темирийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти, тарихчи олима Федерик Бопертюи-Брессанд хоним, Марказий Осиё тарихи жонкуяри, археолог олим Франц Грене, таъқиқчи француз ёзувчиси Амин Маалуфга Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Франция давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистондан ташрифт буюрган делегация аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Рустамбоев, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев ва бошқалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда, жумладан, илм-фан, маданий-гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидладди. Бунда мамлакатимиз тарихи, хусусан, соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этаётгани, мазкур алоқалар давлатимиз раҳбарининг Францияга расмий ташрифидан сўнг янада мустақамлашни қайд этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев французиялик жамоат арбобларига фахрий унвонларни тантанали равишда топширди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида француз мактаби, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «Француз альянси» филиалларини очиб борасида муҳим қадамлар ташланди. Бундан ташқари, театр, кино, илм-фан соҳаларида диққатга сазовор лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.

2015 йилда Ўзбекистон билан Франция ўртасида имзоланган келишувга биноан пойтахтимизда «Тошкент — Француз альянси»га асос солинди. Унинг асосий мақсади маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, илм-фан, техника соҳаларида ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган. Ҳар йили бу ерда 1000 дан ортиқ тингловчилар француз тили бўйича тахсил олади.

Францияликлар юртимизда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келади. Айни пайтда Париждаги Лувр музейида Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланган махсус кўргазма ташкил этиш юзасидан музокара-лар олиб боришмоқда.

— Самарқанднинг фахрий фуқароси бўлиш мен учун шараф. Бу шаҳарга бежиз рўйи замин сайқали, деган таъриф берилмаган, — деди Федерик Бопертюи-Брессанд хоним. — Бундай юксак эътибор мени маданий ҳамкорликимиз ривожини йўлида янада сикдидилдан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожига олимларимиз олиб бораётган тарихий меросини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар муҳим ўрин тутуши алоҳида қайд этилди.

Абу Бакр ҲОЗОВ, ўЗА мухбири, Париж

## Таълим

Самарқанд шаҳридаги 43-умумтаълим мактабида мингдан ортиқ ўғил-қизлар француз тилини ўрганмоқда.

— Дастур фақат ўқув жараёни доираси билан чегараланиб қолмайди. Болалар учун француз тилида турли ижодий кечалар ва бошқа тадбирлар ташкил этиб келяпмиз, — дейди мактаб директори Елена Компольшич. — Ҳуқуқларимиз турли танловларда фаол қатнашмоқда. Масалан, вакилларимиз Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Мольтер ижодига бағишлаб ташкил этилган театр-фестивалида голиб бўлишди.

Қайд этиш жоиз, яқинда мазкур таълим муассасаси билан боғлиқ яна бир ёрқин воқеа рўй берди. Мактабга Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросини Франция ва Европанинг бошқа давлатларида тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшган француз темирунос олими, профессор Люсьен Керен

## Юртимиздаги мактаблардан бирига машҳур француз олими номи берилди

номи берилди. Тарихчи умрининг 35 йилини Амир Темур ва унинг авлодлари цивилизациялар ривожига қўшган ҳиссасини илмий тадқиқ этишга сарфлаган. Унинг ташаббуси билан 1988 йилда Парижда Темирийлар тарихи ва санъатини ўрганиш уюшмаси тузилди. «La Timuride» журнаliga асос солинди. Олимнинг «Темир давридаги Самарқандга йўл» китоби кўплаб тилларга таржима қилинган. Люсьен Керен маърифат соҳасидаги муваффақиятли фаолияти учун юртимиз фуқароларининг муҳаббатига сазовор бўлган.

Самарқанд шаҳридаги мазкур таълим даргоҳига Люсьен Керен номи берилиши муносабати билан ўтказилган маросимда иштирок этган Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолен де



Вильмор мактабга француз олими китобларини топширди.

Ринат АБДУЛЬМАНОВ. Муаллиф олган сурат.

## Эксклюзив интервью

Парламентдаги «Ўзбекистон — Франция» дўстлик гуруҳи раҳбари Акмал Саидов икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан, парламентларо ҳамкорлик ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналишида Франция устувор ўринини эгаллайди. Биринчидан, Франция Европа иттифоқи таъсис этилишининг лоқомоти ва ташаббускорларидан бири саналади. У ҳамisha ЕИда Ўзбекистонни кўлаб-қувватлаб келган. Иккинчидан, Франция БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоларидан биридир. У улкан атом-энергетика салоҳиятига эга ядровий давлат бўлиб, дунёда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар қаторида туради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти, янги технологиялар ва инновацияларни кўллаш бўйича жаҳонда етакчилардан ҳисобланади. Бой цивилизация ва маданиятга эга. Ҳуқуқшунос сифатида яна шуни айтишим мумкинки, Франция дунёда демократия ривожланиши ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида андоза саналади.

Франция Ўзбекистон мустақиллигини тан олган ва юртимизда биринчилардан бўлиб ўз элчихонасини очган. Давлатларимиз ўртасида ўтган 25 йил давомида ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг барча йўналишида ишончли ва мустақам муносабатлар йўлга қўйилди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида мамлакатнинг Франциядаги биринчи элчилиси бўлиш бахти менга насиб этган. Охириги икки йилда томонларнинг сазй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон — Франция муноса-

Харакатлар стратегияси кўп жиҳатлари билан бир-бирига муштарак: иқтисодий устуворликлар, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, прагматик ташқи сиёсат. Икки Президентнинг кўп масалалар, жумладан, афрон муаммоси бўйича қарашлари ҳам ўхшашдир.

Умуман олганда, ўзбек — француз дипломатияси илдизлари узок тарихга бориб тақалади. Амир Темур ва Франция қироли Шарль VI ўртасида дипломатик ёзишмалар

## Парламентларо алоқалар янада мустақамланади

батлари ривож учун янги истиқболлар ва имкониятлар очилмоқда. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорлик равақида янги сазифа яратди. Бинобарин, бу Ўзбекистон ва Франция манфаатларига ҳам жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, Эммануэль Макроннинг «Инқилоб» китобида ўз ифодасини тошган сайловолди дастурида Францияни дунё сиёсатининг буюк мамлакатига айланатириш мақсади қўйилган. Франция етакчиси ана шу йўлда қатъий бормоқда.

Франция Президентининг сайловолди дастури ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

лари»ни француз тилига ўргирган. Мана, 30 йилдирки, Францияда Темирийлар тарихи ва санъатини ўрганиш уюшмаси фаолият юритиб келади. Унинг асосчиси ва биринчи президенти Люсьен Керен Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнига бағишланган кўплаб китобларни нашр эттирган. У мамлакатимиз тарихини ўрганишга қўшган улкан ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Бундан ташқари, яқин-

да Самарқанддаги француз тилини ўқитишга ихтисослаштирилган 43-умумий ўрта таълим мактаби Люсьен Керен номи берилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Франциянинг қатор олий ўқув юртилари филиалларини очиб режалаштириляптир.

Шулар билан бир қаторда, француз археологлари бизнинг кўна тарихимизга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, археолог Франц Грене дунё илм-фанида биринчи бўлиб Самарқанд шаҳри пайдо бўлган санани аниқлаган.

Мустақиллик йилларида французлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб бир миллиард доллар сармоя киритди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентда «City Palace» меҳмонхонасини қуриш, пойтахт аэропортига ра-

дарлар ўрнатиш бўйича қатор қўшма инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги йиллик товар айланмаси 250 миллион еврони ташкил этади. Бироқ бу кўрсаткич бизнинг иқтисодий салоҳиятимиз ва имкониятларимизга мувофиқ келмайди. Шундай экан, мазкур ташрифт мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга катта туртки беради.

Айни чоғда ўзаро муносабатлар ривожига парламентларо ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутди. Икки давлат парламентлари дўстлик гуруҳлари ишламоқда, доимий делегациялар, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти бўйича тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистонда икки палатали парламент яратиш, Конституцияни ишлаб чиқишда француз парламентариизми, конституционализи тажрибаси ўрганилган. Ҳозирги кунда эса Президент Эммануэль Макрон йирик конституциявий ислохотни амалга оширишни режалаштирмоқда. Уни рўйбга чиқаришда эса Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ҳам инобатга олинади.

Парламентларо мулоқотнинг ривожини икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Шу кунларда Ўзбекистон парламенти Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь)ни ратификация қилди. Президент Макрон уни «экология соҳасидаги асосий халқаро ҳужжат» деб билди. Ўзбекистон учун эса мазкур битим Орол фожиаси нуқтани назаридан долзарб аҳамият касб этади.

Сайёра АЗИМОВА («Халқ сўзи») ёзиб олди.





# «УМИД ЭПКИНЛАРИ» ЎЗБЕКИСТОНДАН ЭСМОҚДА

### Хорижий ОАВ, таниқли сиёсатшунослар, экспертлар Президентимиз ташаббусларини глобал миқёсдаги ижобий жараён сифатида кўрсатмоқда.

## Умумий келажак учун масъулият

Минтакамизда сиёсий вазиятни соғломлаштириш жараёни бундан икки йил аввал бошланди, десак, муболага бўлмади. Буни Ўзбекистон етакчилигининг ташаббуслари берди. Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия Фанлар академияси Бозор муаммолари институтининг бош илмий ходими Наби Зиядуллаевнинг фикрича, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги янги аҳамияти минтақавий ҳамкорликни кучайтириш заруратини кўрсатди ва Марказий Осиёда умидли муҳитни яратди. Эксперт "Независимая газета"да босилган мақоласида Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари туфайли бешта давлатнинг ўзаро муносабатларида сезиларли натижаларга эришилгани, 2017 йилдан бошлаб улар ўртасидаги алоқалар яхшилангани, бир-бирдан анча узилиб қолган давлатлар борган сари яқинлашиб, ўзаро алоқаларни мустахкамлаётганини қайд этди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг июни ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилиниши минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди. Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Сванте Корнелл таъкидлаганидек, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республикамизда олиб борилган чукчур ислохотлар минтақадаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг куз бошдан буён ўтган қисқа муддатда амалга оширган ташриф ва учрашувлари жадалнинг ўзиёқ, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилганидек, Марказий Осиёдаги қўшилариимиз билан алоқаларни мустахкамлаш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу жадалдан Киргизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саммити, Тожикистон пойтахтидаги МДХ саммити ва элчиларни, хусусан, Туркминистон дипломати миссияси раҳбарини қабул қилиш каби тадбирлар ўрин олди.

Марказий Осиё "бешлиги" давлатларининг вакиллари учун шу сингари мунтазам учрашувлар аънаёна айланди. Одатий ҳол бўлиб қолган бундай

тадбирлар кейинги икки йил ичида рўй берди. Ҳа, яхшиликка тез кўникади киши. Айниқса, бу янги ижобий ҳолат қайтадан тикланган бўлса. Н. Зиядуллаев қайд этганидек, кўп асрлар давомида қадимий тамаддун бешиги сифатида инсониятга маълум бўлиб келган, нафакат жуғрофий ва геосиёсий, балки маданий ва маънавий жиҳатдан ягона саналган маконда бугун 100 миллиондан зиёд аҳоли яшайди, уларни умумий тарих, дин, маданият ва аънаёлар, кучли интел-

ллектуал салоҳият, ўзаро боғлиқ коммуникациялар тизими, ҳамкорликка интилиш, шунингдек, умумий келажак учун масъулият бирлаштириб туради.

## Ташрифлар амалий натижаларга қаратилган

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий доираларида ҳаракати энг яқин минтақа билан чегараланмайди. Тўғриси, шу ердан бошланиб, куч ва тезкор суръат оляпти. Қўшиллар билан муносабатлар яхшиланганини кўрган бошқа давлат раҳбарлари ҳам алоқани янада мустахкамлаш мақсадида юртимизга келмоқдалар.

Сентябрнинг биринчи кунларида Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси ташриф буюрди. Икки давлат ўртасида сийёсий, инвестиция, солиқ сийёсати, адлия, қишлоқ хўжалиги, маданий мерос, спорт, ёшлар масаласи каби қатор

етақчисининг сўзларини келтиради "БЕЛТА" телеграф агентлиги. — Мен буни аллақандоқ ҳис қилдим. Биз бу ерга дўстим ва ҳамкасбим, Ўзбекистон Президентининг талаб ва истакларига жавобан аниқ тақлифлар билан келдик".

Кўзнинг биринчи ойидаги АКШ ва Туркия делегациялари, Малайзия элчиси билан учрашувлар ҳам ана шундай очиқ-ойдин, прагматик руҳда, Ўзбекистондаги янги даврга хос ва мос тарзда бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ҳар бир давлатни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлар экан, уни гўёки янгитдан кашф этаётгандек.

## Нафакат Ипак йўли...

Қитъаларни боғлаб турувчи қадимий йўналишлар ҳақида сўз борар экан, биз, аввало, мамлакатимиз ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўлини эсга оламиз. Аммо қатор манбаларга таянган тарихчиларда бошқача фикрлар ҳам бор.

Академик Эдвард Ртвеладзенинг ёзишича, Ипак йўлидан анча илгаридан давлат ташрифи йўлининг бошланғич нуқтаси бўлди.

Нью-Дехлидаги учрашувлар давомида давлатимиз раҳбари ҳар икки халқни тарихий ришталар, ўрша аънаёлар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туради, дея бир неча бор таъкидлади. Ўз навбатида, инглиз тилида чиқадиган дунёдаги йирик газеталардан бири "The Times of India"да ёзилганидек, "Меҳмон" ва "Дўст" сўзлари деярли бир хил жаранглайди, демак, дўстлик ҳақида гап кетганда биз бир тилда гаплашамиз". Мақолада шундай хабар берилди: "Яқин орада Хиндистонда хориз давлат раҳбарини бундай катта миқёсда кутиб олишмиш экан. Бу Хиндистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатида Ўзбекистон нақадар муҳим аҳамият касб этишини яққол исботлайди".

Ташриф доирасида истиқболли йўналишларда ўзаро манфаатли келишувлар имзоланди. Экспертлар фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи давлатлар ўртасидаги муносабатлар шаклини ўзгартирди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми айни вақтда 300 миллион долларни ташкил этиши мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги ва уни бир миллиард долларга етказиш

мўлжаллангани ҳам шундан далолат беради.

Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди сўзларига қараганда, Ўзбекистон ва Хиндистоннинг умумий жиҳатлари кўпчилиги ва ўзаро яқинлиги тўғрисида тарихий маълумотлар далолат беради. "Мен мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар шундай пухта асосга эга бўлишидан фахрланаман ва хурсандман, — деди Нарендра Моди учрашув чоғида Шавкат Мирзиёевга мурожаат қилар экан. — Жаноб Президент, мен Сиз билан Ўзбекистонга ташрифим давомида танишдим. Сизнинг Хиндистонга дўстона муносабатингиз, Сизнинг шахсиятингиз менга кучли таъсир кўрсатди. Биз тўртинчи марта учрашамиз. Лекин назаримда, жуда яқин дўстим".

Хинд томонининг фикрича, Ўзбекистон жадал суръатлар билан тараққий топтоқда, унинг имиджи ўзгаряпти. Ушбу мамлакатнинг электроника ва ахборот технологиялари вазири Рави Шанкар Прасад эътироф этганидек, Хиндистон Ўзбекистон тараққий йўлидан бораётганини кўриб турибди ва бу йўлда ҳамкорлик қилишга, билим, тажриба ва технологиялар билан кўмаклашишга тайёр.

Бешинчи республика ҳамкорликка чорламоқда

Замонавий Франция ҳақида нималарни биламиз? Футболчилари — жаҳон чемпиони, пойтахтида Эйфел миносари бўй қўзиб турибди, ошрамлари қириқли кийинишади ва ширинлик қўшиб қаҳва ичишни ёқтиради...

Бундан ташқари, жуда муҳим жиҳатлар ҳам борки, кўпинча эсга олавермаймиз. Франция Европа иттифоқида юқори ривожланиши билан иккинчи ўринда турувчи иқтисодиётга эга. Янро ва космик соҳада қудратли давлат. Аксарият кўрсаткичлар бўйича дунёдаги кучли ўнтаклига кириди. Жаҳон миқёсда энг йирик инвесторлардан бири. "Cushman & Wakefield" глобал таҳлилий гуруҳи маълумотларига кўра, ўтган йил давомида Франция халқаро бозордаги лойиҳаларга 40 миллиард евро атрофида маблағ сарфлаган.

Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтаётган тадбирлар мундарижасини белгилайди. Европадаги йирик давлат билан

мулоқот сиёсий соҳадаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва молиявий соҳалардаги шерикликни кенгайтириш, инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштириш каби масалаларни ўз ичига олади. Франция Президенти Эммануэль Макрон кейинги пайтда Ўзбек — француз муносабатларида мутлақо янги аҳамият касб қилмоқда, деб ҳисоблайди. "Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини чуқурлаштиришга катта қизиқиш билдираётганини юқори баҳолайман, — деди у. — Франция ва Ўзбекистонда ҳали фойдаланилмаган салоҳият катта. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев билан расмий ташриф доирасида Парижда учрашшни сабрсизлик билан кутяман. Ташриф бизга нафакат икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтириш, балки халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган долзарб мавзулар, шу жумладан, терроризмга қарши кураш, иқлим ўзгариши каби масалаларни муҳокама қилишга имкон яратяпти".

Дарвоқе, Франция Республикасининг жаҳонда тутган ўрнини белгилаганда, мамлакатнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари бешталигига киришини айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Ўзбекистон Президентининг Россия, Хитой ва АКШга ташрифи ҳамда Буюк Британияда ташқи ишлар вазири Урбинсари билан учрашуви шу кунларда ушбу рўйхатдаги бешинчи давлатда бўлиб турибди.

Европада истиқболли таҳлил ва хавфсизлик институти президенти Эммануэль Дюпон эътироф этишича, Ўзбекистон раҳбарининг Францияга ташрифи биринчи галда иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади ҳамда бир-бири сари катта қадамлар ташлаётган икки мамлакатнинг ўзаро шериклик муносабатларида муҳим воқеадир.

"Биз Ўзбекистон Президентининг ташрифидан кўп нарса кутяптимиз ва қатор ҳужжатларни имзолашга тайёрланяптимиз, — дейди "Natixis" инвестициявий банкининг бўлим бошлиғи Арнаут Саред. — Франция юртингизда барча соҳада амалга ошириляётган ислохотларни катта қизиқиш билан кузатмоқда. Аминманки, бизни кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг рўёби кутяпти".

Уларнинг натижадор бўлишига биз ҳам шубҳа қилмаймиз. "Умид эпкинлари" ҳар биримизнинг қалбимиздаги ишонччи мустаҳкамлаган ҳолда майин эсишда давом этаверади.

Ўқтир РАҲМАТ.

# Энди ҳеч бир сайловчи рўйхатдан тушиб қолмайди



Сайловчининг қаерда яшashi, ишлаши, мулкка эга бўлиши ёки доимий рўйхатда туриши ҳаммага аён. Бироқ ушбу масаланинг бошқа жиҳатига ҳам эътибор қаратиш керак, яъни сайловчи ягона электрон рўйхатда киритилиши унинг аниқ манзил-мақонини ҳам рўйхатга олиш, деганидир. Сир эмас, шу пайтга қадар бир сайловчи бир нечта рўйхатга кириб қолгани, ўзи бир жойда, рўйхатда бошқа манзилда экани, оқибатда халқаро сайловнинг олтин қоидаси бўлган: "Бир сайловчи — бир овоз" тамойилига доим ҳам амал қилинмагани кузатилади. Аввало, ана шу тартиб-тамоий йўлга қўйилди. Қолаверса, ушбу янгиликнинг бошқа афзалликлари ҳам борки, бу хусусда мавриди билан батафсил тўхталамиз.

Муаммонинг биттасини, яъни сайловчи турли рўйхатга кириб қолганини сал илгарироқ айтиб ўтдик. Бошқаси ҳам бор. У ҳам бўлса, ҳозирги мавжуд ҳолатга кўра, сайловчи-фуқароларнинг

доимий ва вақтинча яшаш жойи тўғрисидаги ишончсиз ахборот уларни сайловчилар рўйхатига автоматик тарзда киритганда аниқлик касб этмайди ҳамда бу, ўз навбатида, турли чалқашликларга олиб келади. Яна бир муаммо шуки, кўчмас мулк объекти манзиллари ягона реестрининг йўқлиги, қолаверса, бундай объектлар ягона реестридаги эскириб кетган ва унификациялаштирилмаган, халқона тилда айтганда, бир идорадагиси бошқасидаги билан солиштирилмаган маълумотлар сайловчи учун ҳам, комиссия аъзолари учун ҳам нуқулаллик туғдирадди.

— Бизда олдинлари республика бўйича сайловчилар умумий рўйхати бўлар эди, — дейди Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улўғбек Абдусаломов. — Бошқача айтганда, сайлов участкаларида алоҳида-алоҳида рўйхат қилинади. Натижада сайловчиларни рўйхатга олишда турли чалқашликлар келиб чиқар, хусусан, айримлар бир нечта рўйхатга кирса, бошқа бировлар рўйхатдан тушиб қоларди.

— Бундай ҳолатларнинг сабаблари оддий, — дейди Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Хабибуллаев. — Энг аввало, янги-янги мавзёлар ва янқ тартибда уй-жойлар қурилиши, кўчаларга янги ном берилиши ҳисобига шу каби чалқашликлар юзага келади. Янги қарор бундай ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутяди.


Дарҳақиқат, бу қарор Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратишга асос бўлди. Асос бўлди, деганимизки, бунга уриниш сал аввалроқ бошланган, тўғриси, синнов тарихида 2017 йил декабрда Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашига сайловларда синновдан ўтказилган. У илк тажриба бўлгани эсимиз унда ўзига яраша хато камчиликлар учрагани табиийдир.

Шу ўринда ушбу амалиётни татбиқ этишда халқаро тажриба билан ўрганилганини айтиш зарур. Айни кунда БМТга аъзо 193 мамлакатнинг 40 фоизда бўлиб ўтадиган сайловларда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Мисол учун, Корея Республикасида 1995 — 2015, Туркияда 1986 — 2006, Россия Федерациясида 1994 — 1999, Эстонияда 2001 — 2007 йиллар мобайнида сайлов жараёнини автоматлаштиришга эришилган.

Қарорга кўра, энди Марказий сайлов комиссияси мамлакатнинг бутун ҳудудда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий қилиш ҳамда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарликни ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширади. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирли-

ги ҳудудларда тизимнинг самарали ишлатилиши таъминлашга ягона технология ёндашуви таъминлайди. "Давергеодезкадастр" қўмитаси эса кўчмас мулк объектлари манзилларини ягона реестрини юритиш учун жавабгар орган ҳисобланади.

Ички ишлар вазирлиги тегишли ва-



лирига ўргатилади.

Энди мақола аввалида бошлаб қўйганимиз, яъни бу янгиликнинг бошқа жараёнларга берадиган нафи ҳақида тўхталамиз. Маълумки, ҳар бир давлатда "аҳолини рўйхатга олиш" деган даврий ўтказиладиган йирик тадбир бор. Бу — ўша мамлакатда қанча инсон яшashi, уларнинг турмуш тарзи ва манзил-мақони, ёши, жинси, моддий таъминоти, қисқаси, мавжуд аҳвол ҳақида рўйроқ ва тўлиқ маълумот олиш имконини беради.

Мазкур қарор билан бошланадиган ишлар ҳам — ўзига хос рўйхатга олишдек гап. Яъни ана шу ҳужжат асосида манзилли ижтимоий ҳимояга, ёрдамга муҳтож одамлар аҳоли, уй-жой учун ажратилган ердан нечоғлиқ унумли фойдаланаётганликлари ва бошқа қатор масалалар қамраб олинади. Қайси ҳудудда қанча аҳоли яшайётгани ҳақидаги статистикага ҳам аниқлик киритилади, эндиликда прогноз тусомол-тахмин билан қилинмайди. Президент қарорининг туб моҳиятида, аслида, мана шу масала ҳам мужассамдир.

прописка олиши керак бўлган фуқарога ҳам, ўз навбатида, солиқ тўловчига ҳам қўшимча қулайлик яратилади.

— Сайловлар шу пайтгача бир хилда ўтказиларди, — дейди Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Фазилиддин Усмонов.

— Бу ҳужжат асосида янгича тизим йўлга қўйилди. Эндиликда фуқаролар вақтинча рўйхатга қўйиш учун ҳам шу тизим орқали мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Бу биз, ички ишлар ходимларига кенг қулайликлар яратиши билан бирга, катта масъулият юклайди.

Тизим 2019 йил 1 апрелдан бошлаб тўлиқ жорий этилади. Унгача эса қарорда белгиланган вазифалар ижро этилади, хусусан, сайлов комиссиялари вакиллари янги тизим билан ишлаш кўникмаларига ўргатилади.

Энди мақола аввалида бошлаб қўйганимиз, яъни бу янгиликнинг бошқа жараёнларга берадиган нафи ҳақида тўхталамиз. Маълумки, ҳар бир давлатда "аҳолини рўйхатга олиш" деган даврий ўтказиладиган йирик тадбир бор. Бу — ўша мамлакатда қанча инсон яшashi, уларнинг турмуш тарзи ва манзил-мақони, ёши, жинси, моддий таъминоти, қисқаси, мавжуд аҳвол ҳақида рўйроқ ва тўлиқ маълумот олиш имконини беради.

Бош прокуратура ҳузурдаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

## Мавсум

Юртимизда пахта йиғими-терими мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Айниқса, теримда қатнашаётганларга яхши ҳақ тўланаётганлиги ва ташкилий масалаларнинг тартибли йўлга қўйилганлиги юртдошларимизни иштиёрий равишда теримга чиқиб, оиласига иқтисодий даромад келтиришга ундамоқда. Шанба, яқшанба кунлари турли вазирлик, идора ва муассасалар ходимлари ҳам ишдан бўш вақтда бу жараёнда иштирок этаётир.

## Маънавий-маърифий мадад пахтакорлар гайрат-шижоатини оширмоқда

Республика Маънавият ва маърифат маркази жамоаси ҳам Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани далаларида пахта йиғими-теримида қатнашди. — Мақсадимиз бободоҳонлар йил давомида машаққат билан етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ва юртимизнинг улкан хирмонига, оз бўлса-да, хисса қўиш, — дейди Маънавият ва маърифат маркази раҳбари А. Қодиров.

Марказ томонидан бутун мамлакат бўйлаб теримчиларнинг маданий ҳордиқ чикаришлари учун маънавий-маърифий тадбирлар ҳам алоҳида режа асосида, юқори суръатда ташкил этилмоқда. Уларда янграётган шўх қуй-қўшиқлар, билдирилётган самимий дил сўзлари иштирокчилар қайфиятини кўтариб, уларнинг мазмунли дам олишига замин яратяптир. Бу эса теримда қатнашаётганларнинг гайрат-шижоатини янада ошириши, шубҳасиз.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**БМТга аъзо бўлган 193 мамлакатнинг — 40 фоизда**

**АКТдан фойдаланилади.**

